
Қувасойда ёшлар ўртасида волейбол бўйича шаҳар Ички ишлар бўлими кубоги мусобақаси бошланди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги соғлом турмуш тарзини ҳаётга кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-6099-сонли фармони, Фарғона вилоят ҳокимининг 2021 йил 16 апрелдаги № 91/01-49-сонли йиғилиш баёни ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 27 апрел куни шаҳар Халқ таълими бўлими тасарруфидаги 2-умумий ўрта таълим мактабида 17-20, 21-25 ҳамда 26-30 ёш тоифасида уюшмаган ёшлар ўртасида волейбол спорт тури бўйича шаҳар Ички ишлар бўлими кубоги мусобақаси бошланди. Мусобақани Қувасой шаҳар ҳокими Р.Рахимжонов очиб, барча иштирокчиларга омад тилади. Мусобақанинг дастлабки кунда ғолиблик учун жамоалар ўртасида мурасасиз кураш кечди ва илк учрашув якунида Валик МФЙ жамоаси ғолибликни қўлга киритди.

2021-04-28 23:10:51